

МУРАККАБ СИНТАКТИК БУТУНЛИК ТУГАЛЛАНМАСИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА УНИНГ МАТН ТАРКИБИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аманов Абдижаббор Саттарович

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D),

Наманган давлат университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада мураккаб синтактик бутунлик адабий матнларнинг лингвистик бириктириш соҳаси ва уни таъкил этувчи хусусиятлари кўриб чиқилади. Шунингдек, мақола лингвистик ва услубий бирлик сифатида мураккаб синтактик бутунликка бағишланган. Лингвистик жиҳатдан микромаъннинг тuzилиши, семантикаси ва вазифаси таҳлил қилинса, услубий жиҳатдан мураккаб синтактик бутунлик изчил ўзбек нутқини ривожлантириш бирлиги сифатида кўриб чиқилади.

***Калит сўзлар:** матн, микромаън, гап, матн синтаксиси, сўз шакли, боғланган нутқ, маънни шакллантириш.*

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются такие особенности сложных синтаксических целых художественных текстов, как поле языкового напряжения и формирующие его. Также статья посвящена сложному синтаксическому целому как лингвистической и методической единице. В лингвистическом аспекте анализируются структура, семантика и функция микротекста, а в методическом плане сложное синтаксическое целое рассматривается как единица развития связной узбекской речи.

***Ключевые слова:** текст, микротекст, предложение, синтаксис текста, словоформа, связная речь, текстообразование.*

ABSTRACT

The article deals with features of complex syntactic entire literary texts as the field of linguistic tension and those that form it. Also, the paper examines a complex syntactic whole as a linguistic and methodical unit. The structure, semantics and function of microtext are analyzed in linguistic aspect and the complex syntactic whole is considered as a unit of development of coherent Uzbek speech in the methodical plan.

***Keywords:** text, micro text, sentence, text syntax, connected speech, text formation.*

КИРИШ

Тилшунос олимлар бир умумий мавзу ва шаклий жиҳатдан боғлиқ бўлган матнни ўрганишни, аввало, уни ташкил этувчи гапларнинг ўзаро боғланишини тадқиқ этишдан бошладилар. Олимлар матнда гапдан кўра каттароқ бўлган синтактик бутунлик мавжудлигини қайд этиш баробарида ушбу бутунликни аташда ҳам турли терминлардан фойдаланганлар. Натижада, атамалар хилма-хиллиги юзага келган: мураккаб синтактик бутунлик (МСБ), суперфразавий бирлик, прозаик банд, параграф, абзац, блок ва бошқалар. Ўзбек тилшунослигида мураккаб синтактик бутунлик яхши ўрганилмаганлиги сабабли, мураккаб синтактик бутунликнинг муҳим хусусиятларини, тузилишининг ўзига хослигини, мураккаб синтактик бутунлик таркибидаги алоқа воситаларининг турларини батафсилроқ баён қилиш эҳтиёжи сақланиб қолган.

Мураккаб синтактик бутунликнинг сўнгги гапи (тугалланма) МСБда баён этилаётган фикр ўз ниҳоясига етаётганига ўқувчи эътиборини тортиши билан ажралиб туради.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Тугалланмада кўпинча модал сўзлар қатнашади. Бундан ташқари тугалланманинг аксарияти дарак гаплардан иборат бўлса-да, сўроқ ёки ундов гаплар билан тугайдиган МСБлар ҳам учраб туради.

Ўзинг тенги болалар лагер палаткаларида маза қилиб ухлаб ётганида сен сув сепиб йўлка супуришинг... Нима десам экан... Сал алам қилади кишига. Шунданми, вақти-вақти билан “шайтонлик” қиламан. Гоҳ бошим оғриб қолади, гоҳ оёғим... Ойим негадир кўпроқ мени авайлайди. Ўрнимга ўзим билан кўрпада тепишиб ётадиган Абдувоҳид деган ўртоғимми, акамми туриб кетади. Баъзан дадамнинг жаҳли чиқади. “Нима, бунингни бошида шохи борми, ишласин-да!”, дейди[1:12]...

Умарқутга уч кунлик йўл қолганда Хумоюн Турдибекни рожа вирсал Прасадга элчи қилиб юборди. Ҳали бу одам ҳам Мал Девага ўхшаб айниб қолмаган бўлсин![2:151]

Ҳиндол мирзонинг кўнгли тилаган гап ҳам шу эди. Давлат ишларида ҳозир у акаси билан ҳамфикр эди-ю, бироқ Хумоюн ҳозир Ҳамидабонуга ҳаддан ортиқ қизиқиб қолгани ва Хўжа Муаззамни ёнига таклиф қилгани Ҳиндол мирзони хавотирга солиб қўйди. Чунки Ҳиндол ҳали ҳам Ҳамидадан кўнгил узган эмас. Тўғри, қиз унга мутлақо рўйхушлик бермай юрибди. Лекин Ҳиндол мирзо

Қандаҳорга борса, ўша ерда ўзига мустақил ҳоким бўлади, акалари узоқда қолади, ҳеч ким унинг оилавий ишига аралашолмайдиган ва раъйини қайтаролмайдиган пайт келади. Ҳумоюннинг ўзи йигирма ёшидаёқ икки хотинлик бўлиб олган эди-ку, Ҳиндол ундан камми?[2:124]

Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатадики, мураккаб синтактик бутунлик, кўпинча, кўшма гаплар орқали ниҳояланади. Фикримизча, МСБда сўз юритилган воқеа-ҳодиса ва ҳолатни хулосалаш эҳтиёжи кўшма гаплардан фойдаланишга олиб келади. Табиийки, кўшма гаплар таркибида турли шаклдаги боғловчилар ёхуд содда гапларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилувчи феъл шакллари, кўмакчили бирикмалар иштирок этади.

Мисол учун: *Зиёфат самимият билан чақирилганликдан дастурхон қадрлик меҳмонга махсус турланган эди. Зиё шоҳичи билан ўгли Раҳматнинг ҳар замон меҳмонларни дастурхонга қисташлари бошқаларнинг иштаҳаларини очишга сабаб бўлса ҳам, аммо бизнинг Отабекка сира ҳам асар қилмас, хаёлланиб ўлтирар эди. Ул нима тўғрида хаёл суриб, қайси тўғрида ўйлар эди — бунни билиш қийин бўлса ҳам, бироқ унинг ҳозирги баъзи ҳаракатлари диққатни жалб этарлик эдилар: хаёл сурар экан, унинг кўзлари ихтиёрсиз каби қаршисидаги қутидорга қарайдирлар, қутидорнинг кўзи ўзига тушиди дегунча кўзини ундан олиб дастурхондаги кўнгли тиламаган нарсаларга урина бошлайдир... Отабекнинг бу ҳолини мажлисдагилар сезмасалар-да, аммо Ҳомид уни таъқиб эткандек эди[3:17]*

Ушбу мисолда, мураккаб синтактик бутунликнинг охири эргашган кўшма гап шаклига эга. Мазкур гап таркибий қисмларини боғлашда феълнинг шарт майли шакли (**-са**), **-да** юкламаси ҳамда **аммо** зидлов боғловчиси иштирок этган. Ушбу боғловчиларни МСБ нинг аввалги гапларида ҳам кузатиш мумкин эди. Улар МСБнинг бошидан охирига қадар бир неча ўринда такрорланиб, МСБни яхлит ҳолга келтирувчи вазифасини ўтаган.

Шу ўлтурушидан сўнг Ўзбек ойим жуда ҳам жонланиб кетди ва эртасига Олим понсадникига қараб яна арава қўшдирди. Бу иккинчи совчиликда гўё қудачалардек қариш олинди. Олим понсадбошилар: Юсуфбек ҳожига қуда бўлар эканмиз, деб жуда ҳам типирлашиб қолган ва иззат-икромни ҳаддан оширган эдилар. Еган оғиз уялар қабилдан Ўзбек ойим ҳам муомалани қудаларча қилди, ҳатто: “Бек отангиз билан мен сўзни бир жойига қўйдик. Фақат иш Отабекнинг келишига қолди” деб қўйди. Кечқурун уйга қайтиб, бу айткан сўзини ҳикоя қилган эди, ҳожиси лабини тишлаб қолди ва: “Санга сира ақл битмай кетар экан-да”, деди[3:133].

“Менгаям... шунча одам келармикин? — деди. — Келмайди, келмайди! Совет даврида партия-совет органлари барчани сафарбар этар эди. Пионерлар фахрий қоровулда турар эди. Комсомоллар орден-медаллар кўтариб юрар эди. Коммунистлар оташин нутқлар сўзлар эди. Энди, комсомол ҳам йўқ, партия ҳам йўқ. Аммо-лекин ўлим бор! Ана ўлим, ана...”[4:142]

Эртаси куни пешин намозидан сўнг Ҳумоюн яна кема билан дарёдан ўтиб, Ҳиндол мирзонинг қароргоҳига борди ва Дилдор бегим турадиган каттакон қизил чодирни қидириб топди. Бегим уни чодир ичида ёлғиз қолдирди-да, ўзи Ҳамида бонунни чақириб келишга кетди[2:127].

Фронтга жўнаш жиддий масала, шунинг учун гапни отасидан бошлаши лозим. Отаси вазмин, кўпни кўрган, мулоҳазали одам, онаси унинг измида, отаси нима демасин, гапни икки қилмайди; масалани ўзаро ҳал қилишса, сиз ҳам куймайди, кабоб ҳам[5:156]...

Ориф ака қошини чимириб бу хатни ҳам узоқ ўқиди: “Мен Онегиннинг анкетасини тўлдирмайман. Рухсат берсангиз “Евгений Онегин”ни синфда тўла айтиб бергим келади. Мен уни ёд биламан... “Классик” деган китобий совуқ сўзни ёмон кўраман, Пушкин менинг акамдек, уни тирик, оддий одам деб тасаввур қиламан. Тушимда кўрганман”[6:77].

Комила барак муюлишида йўлини пойлаб турган Сатторни имлаб чақирди. Саттор аввал кўзларига шионмагандай киприкларини тирпиратиб турди-ю, кейин йўргалаб етиб келди. У пиджак устидан қийиқ боғлаб, этик кийган, ўрта бўйли, юмалоқ, чорпахилдан келган йигит эди[6:163].

Чилдирма мақомига йўргалаб, кифт қоқиб, столларни оралаб юрган тўрт қиз бирин-кетин келин билан куёвнинг рўпарасига келиб, қўлларидаги гулдасталарни таъзим билан икковига тутишди, ер тепиниб яна столларни оралаб йўргалаб кетишди. Ора-сирада биров шеър ўқиб, биров сўз билан, биров қизиқчилик қилиб келин билан куёвни табриклар эди[7:67].

Ўзбек адабий матнларини таҳлил қилиш жараёнида шу нарса кузатилдики, МСБнинг охирги гапни тузишда тенг ва эргаштирувчи боғловчилардан ёхуд боғловчи вазифасида қўлланилган сўзлардан кенг қўлланилади. Бундан ташқари яқунловчи гапларнинг кўп қисмида уюшиқ бўлакларни кузатиш мумкин. Бу уларнинг семантик ва синтактик вазифаси билан боғлиқ. Ушбу бирликлар кўшма гапларни бир-бирига боғловчи восита сифатида ҳам ёки навбатдаги мустақил гапнинг бошловчиси сифатида ҳам қўлланилган.

Мисоллардан кўриниб турибдики, мураккаб синтактик бутунликларнинг яқуний гапи таркибида ҳам, аммо, лекин, -да боғловчилари иштирок этган ва

қўшма гапларни баъзида эса мураккаб қўшма гапларни ташкил этишда муҳим рол ўйнади. Натижада, ўқувчи онгига микромавзунинг тугалланганлиги ҳақида маълумот етказди.

Биз юқорида келтирган мураккаб синтактик бутунликларнинг аксарияти қўшма гаплар билан тугалланган бўлса, яна бир қатор мисолларда МСБнинг сўнгги жумласи содда дарак гаплар билан ҳам ифодаланган.

Содда дарак гаплар билан яқунланган МСБлар:

Айёрликни билмаган содда, ҳалол чўпонлар унга уч йил ем бўлишиди. Боқимлардаги қўйлардан тушган териларни мушук териси баҳосида Диёровга сотиб кетишар, мушуқларини осон қилгани учун унга қайта-қайта миннатдорчилик билдиришарди. Шундай қилиб, Диёровнинг итининг туваги олтиндан бўлиб кетди. У Доғистон, Чеченистон, Афғонистон томинлардан келиб улгуржи харид қиладиганларга тери тайёрлаб қўярди[8:133] ...

Асадбек ҳовлига қадам босгач, оишонадан чиқаётган қизига кўзига тушди-ю, беихтиёр тўхтади. Қизи ҳам уни кўриб бир он ҳаракатсиз қолди. Сўнг паст овозда салом бериб, шоишанича изига қайтди. Ота билан қизнинг нигоҳлари бир сониягина учрашди. Гўё тўсатдан яшин чақнаб қоронгулик бағрида ўртанаётган икки хаста дилни ёритиб ўтгандай бўлди. Яшин нури сўниши билан уларнинг ҳар бири ўз жаҳаннамига, яна ўтда қовурилиши, азобланиши учун қайтдилар[9:123].

Аввал Фариданинг дадаси билан бирга ишлайдиган семиз киши гапирди. Оилавий ўтиришида Шерзод уни, бу киши Шерзодни кўп кўрган эди. У куёв ўғил Жўравойнинг ажойиб инженерлиги, ажойиб одамлиги, келинпоиша мисоли ой бўлса, куёв бола мисоли қуёш эканлиги, бир-бирини қаттиқ севишини айтди, бахт-саодат тилади. Кейин Фариданинг курсдоши, бир вақтлар Шерзодга кўнгил қўйиб, жавоб ололмаганидан кейин узоқлашиб кетган ихчамгина қиз сўз олди[10:81].

Сўроқ гаплар билан яқунланган МСБлар:

– Одам минг йиллардан бери яхши яшай деб интилади, курашади, меҳнат қилади, заҳмат чекади. Бугунга келиб-у сал тузук яшай боилса, нимага ҳайратда қолишимиз керак, тушунмайман? – У яна Зиёхоновга қаради: – Ҳўш, нима қиламиз, директор?[6:71]

Қиз нима учун отаси олдига югуриб келмади, нима учун бўйнига осилиб кўз ёш тўкмади, нима учун нолалар қилмади? Нима учун дардини ютиб ўзини жаҳаннам ўтига раво кўрди?[9:123]

Айтишига осон. Замон саҳнасидан тушишининг ўзи бўладими? Пастдагилар сени алқаб, бошига кўтариб юришига тайёр бўлса, саҳнадан дадил туша оларкансанми? Тушишининг қўлда найзалар билан пойлаб турганлар-чи? Шу найзалар борлигини билмаганда Асадбек Жалилнинг маслаҳатига муҳтож бўлармиди?[9:120]

Ундов гаплар билан яқунланган МСБлар:

Бу – азалий кураш! Яна неча аср давом этади – Яратганга маълум. Бандасига бир нарса аён – азалий курашининг интиҳоси – қиёмат![9:138]

Шерзод бу саволларни ўзига кейинчалик берди. Шунда кўндан буён ўзига эргашиб юрган ҳақиқатни кўрди: Фарида қанчалик худбинлик қилган бўлса, ўзи ҳам ундан қолишмаган экан. Фарида қанчалик бевафолик қилган бўлса, ўзи ҳам шунча енгилтаклик қилган экан. Ҳақиқат шу эди![10:81]

– Ёшсиз, ука, ёшсиз! Ҳозир ҳамма шунақа қилади! Ҳамма! Балиқ ҳам думини ликиллатмаса, сузолмайди. Дунёда муроса-ю мадора деган гап бор. Найнов – аҳмоқ. Аммо аҳмоқ бўлгани билан амали бор. Бутун бошли Горторгнинг мудури! Муроса қилмасам, бир чўқийди-ю, учиради-юборади. Бу дунёда ё заринг бўлсин, ё зўринг бўлсин. Шундан бошқа ҳаммаси – бир пул![10:88]

Умумий хулосалар акс этган гаплар билан яқунланган МСБлар:

Дунёда энг ширин нарса нима деб сўралганда “уйқу” деб жавоб беришган экан. Бу гап ҳам тўғри. Бироқ болалик хотираларини эслаш лаззати уйқудан ҳам мазалироқдир. Чунки ёш ўтган сайин, болаликдан узоқлашганингиз сайин ўтган кунларни эслайверасиз, энтикаверасиз. Айниқса, жон-жўралар учрашганда уйқуни ҳам тарк этиб, узун кечалар хотиралар ихтиёрига берилишади. Асадбек билан Жалилнинг бундай кечалари кўп бўлган[9:122].

Қабристон жимжит. Фақат йўлакнинг икки четидаги саф тортган мирзатераклар қабр устига бош эгган фарзандлардек онага ором тилаб алла айтади. Юлдуз тўла осмонга тикиламан. Эҳтимол, осмондаги энг ёрқин юлдузлар оналарнинг жонидир. Эҳтимол, оналарнинг сўнган юлдузлари бирлашиб, қуёшга айлангандир. Офтобни она дейишлари, эҳтимол, шундандир[1:7].

Узоқ тортишувлардан кейин Омон ҳам кўнди. Бизни икки кундан буён саргардон қилган тентак сигирни сўйиб, унинг гўшитидан кўтарганимизча олиб, шуни сотиб тирикчилик қиладиган бўлдик[11:86].

Шундай қилиб, офтоб бор экан. лекин ер юзига ҳеч чиққиси келмас экан. ҳар куни эрталаб Худога нола қиларкан. Ер юзиде ифлос нарсалар кўп, ҳеч

кўргим келмайди дер экан. Тангри уни овутаркан. Сен чиқавергин, ер юзини ифлос нарсалардан тозалайдиган одамлар бор, дер экан. шунинг учун ким ер юзини тозаласа, ўша энг яхши одам бўларкан[1:13].

Шундай қилиб, якуний гап мураккаб синтактик бутунликни ташкил қилишда муҳим рол ўйнайди. Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, ўзбек бадий асарлари матнларида кўшма гаплар, кириш сўз, кириш бирикмалар билан кенгайган гаплар, дарак, сўроқ ёки ундов гаплар, умумий хулоса билан ифодаланган тугалланмалар кенг қўлланилади. Синтактик шаклнинг кутилмаган ўзгариши тўғрисида, бундай тугалланмалар ҳикоянинг йўналишини ва нутқнинг йўналишини кескин ўзгартиради, олдингисини умумлаштиради ва нутқда кескин бурилишни белгилайди.

ХУЛОСА

Одатда, мураккаб синтактик бутунликнинг сўнгги гапи МСБнинг якунланганини билдирса-да, мураккаб синтактик бутунликнинг марказий қисми билан маълум семантик муносабатда бўлади. Шу билан бирга, улар янги микроавзунинг тақдиротига қийинчиликсиз ўтиш учун шароит яратадилар, шу сабабли ҳам улар мураккаб синтактик бутунликнинг, алалоқибат, бутун матннинг қисмларини бирлаштирадиган восита ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ҳошимов Ў. Дунёнинг ишлари: қисса.– Тошкент: Шарқ, 2012. –Б. 12.
2. Қодиров П. Авлодлар давони (Тарихий роман).– Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2018. –Б.151.
3. Қодирӣ А. Ўткан кунлар.– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. –Б.17.
4. Мурод Т. Бу дунёда ўлиб бўлмайди.– Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 142.
5. Назаров У. Чаён йили.– Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2013. –Б.156.
6. Асқад Мухтор. Чинор.– Тошкент: Илм-зиё-заковат, 2020. –Б. 77.
7. Абдулла Қаҳҳор. Анор.–Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2014. –Б.67.
8. Саид Аҳмад. Қоракўз мажнун.– Тошкент: Сано-стандарт нашриёти, 2016. – Б. 133.
9. Тоҳир Малик. Шайтанат. 1-китоб.– Тошкент: Шарқ, 2013. –Б. 123.
10. Ҳошимов Ў. Нур борки, соя бор.– Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. –Б. 81.
11. Ғафур Ғулом. Шум бола: қисса.– Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. –Б. 86.